

“Богот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида

ХАБАРНОМА

Хурматли акциядор, “Богот пахта тозалаш” АЖ, Сизга 2026 йил 12 февраль куни соат 11-00да Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-уйда “Богот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиши ҳақида маълум қилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2026 йил 6 февраль ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан тузилади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2026 йил 12 февраль куни соат 10-00да бошланиб соат 11-00 гача давом этади.

Сизга акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қиламиз:

1. “Богот пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш.
2. “Богот пахта тозалаш” АЖ ихтиёрий тугатиш тўғрисида.
3. “Богот пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2026 йил 22 январь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2026 йил 6 февраль ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан “Богот пахта тозалаш” акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Хоразм вилояти, Богот тумани, Урганч кўчаси, 2-уй, электрон почта: bogotpaxta@mail.ru, тел.: (99)967-89-29.